

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИ ХУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

Эсонов Зиёдбек Юлдашевич, Ph.D

ҚДПИ Тарих факультети Тарих кафедраси катта ўқитувчиси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, этник анъаналар, бўйрадўзлик хунармандчилиги, қамиш буюмлар, қурилиш материали, бўйра тўшама, тўқиш технологияси, сават буюмлар, “4 босар”, “2 босар”, оила-жамоачилик характери.

Аннотация

Мазкур мақолада Фарғона водийси қорақалпоқлари хунармандчилиги анъаналари тарихи ёритилган. Асосий эътибор Фарғона водийси қорақалпоқлари хўжалик анъаналари таъсирида юзага келган хунармандчилиги этник хусусиятлари, бўйрадўзликни шаклланиш омиллари, марказлари, тўқиш технологияси, характерини ёритиб беришга қаратилган. Қорақалпоқларни бу хунар турига ихтисослашуви сабаблари таҳлил этилган. Билдирилган мулоҳазалар этнографик маълумотлар асосида далилланган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Қорақалпоқлар Марказий Осиёнинг қадимий халқларидан бири бўлиб, улар XVIII аср бошларига қадар Сирдарёнинг ўрта оқимида истиқомат қилиб келганлар. Мазкур минтақада XVIII асрда кечган тарихий жараёнлар таъсирида уларнинг бир қисми Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган.

Водийга кўчиб ўтган қорақалпоқлар асосан, Сирдарё соҳилбўйидаги яйлов, тўқайзор, қўллар бўйига келиб ўрнашганлар. Чунки мазкур даврда *биринчидан*, бу ҳудудлар аҳоли кам ўрнашган бўш ҳудудлар бўлиб, қорақалпоқларни жойлашувига монелиқ туғдирмаган. *Иккинчидан*, бу минтақа қорақалпоқларни анъанавий турмуш тарзи чорвачилик хўжалигини эркин юритиш учун қулай бўлган. *Учинчидан*, улар хўжалигида анъанавий хунармандчилик тури бўлган қамиш буюмлар тайёрлаш учун ҳам бу жойларнинг табиий шароити мос эди.

Қорақалпоқларнинг қамиш буюмлар тайёрлашдаги узоқ йиллик бой тажрибаси, улар томонидан тайёрлаган маҳсулотларни юқори сифатли бўлишини таъминлаган. Қорақалпоқлар ўрнашган минтақалар табиий сув заҳиралари ўзанлари яқини, қамиш ўсувчи қўллардан иборат бўлган. Чунончи аҳолиси қорақалпоқлардан иборат бўлган Фарғона вилояти Данғара тумани Оқтепа қишлоғини шу минтақадаги Жоймишқўл, Ўймовут қишлоғини Сирдарё ўзани қўллари, Қудук қишлоғини Ҳабиббува зиёратгоҳи қўли, Наманган вилояти Поп тумани Кенагас қишлоғини Ғазноқ қўли яқинида жойлашганлиги бу фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг аҳолиси қорақалпоқлар бўлган кўпгина қишлоқлари бундай хусусиятни кўзатиш мумкин. Фарғона водийси қорақалпоқларини билдиришларича водийда XX асрнинг 50-йилларидаги кўрик, захкаш ерларни ўзлаштириш даврида бу қўлларнинг катта қисми қуритилиб ўзлаштирила бошланган. Натижада қорақалпоқлар учун анъанавий хунар тармоғи бўлган бўйрадўзлик хунари учун хом-ашё камайиб борган. Натижада ушбу хунармандчилик тури секин-аста қисқара борган. Лекин шу ўринда таъкидлаш керакки, у

бутунлай йўқолиб кетмаган. Чунки, водий қорақалпоқлари бўйрадўзлик хунармандчилиги этник анъаналар таъсириди асрлар давомида шаклланган бўлиб, ушбу хунар тури улар хўжалик йўналишида мустаҳкам ўрин тутган. Шу сабаб водийдаги қорақалпоқлар ушбу хунар турини кейинги даврларда ҳам имкон қадар давом эттириб, ўзлари истиқомат қилаётган қишлоқларидан анча олис масофадаги масалан, Тожикистон республикаси худудидан катта қийинчиликлар билан қамиш келтириш эвазига ҳам хунарни давом эттирганлар.

Бироқ тармоқнинг қисқариши давом этган. Бунга юқоридаги омил билан бир қаторда баъзи бошқа сабаблар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Яъни кейинги даврларда аҳолининг турар жой қурилишига янги замонавий қурилиш материаллари кириб келган. Бунинг натижасида айрим маҳаллий қурилиш хом-ашёлари, жумладан бўйрага ҳам талаб камайган. Шунга қарамай миллий хунармандчилигимизнинг ушбу тури ўз аҳамиятини бугунги кунга қадар сақланиб қолмоқда. Чунки ушбу ноёб қурилиш ва хўжалик буюми ўзининг кўп жиҳатлари билан сунъий шундай буюмлардан устун туради. Бу буюмлар табиий шароитга мос келади. Уларни ишлаб чиқариш маҳаллий хом-ашёга асосланган. Қолаверса, бугунги кунда долзарб бўлиб турган аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоқда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш муаммолари ечимида муҳим ўрин эгаллайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки қамишдан буюм тайёрлаш хунармандчилик анъаналари водийдаги қорақалпоқлар билан бирга, азалдан ўтроқ, ўзбек, юз ва қипчоқ каби этнослар хўжалигида ҳам ривожланиб келган. Чунки қадимдан ота-боболаримиз қамишдан тўқилган буюмларнинг муҳим ижобий хусусиятларини яхши билганлар, ён-атрофилардаги қамишлардан, ўсимликлардан турли мақсадларда унумли фойдаланганлар. Хусусан, бўйра намни ёмон ўтказиши туфайли ўтроқ халқларда уй сахнига тўшама сифатида солинган, биноларни томини ёпишда асосий қурилиш материали сифатида фойдаланилган [1:36]. Шунингдек ундан ёз фаслида меваларни қуритишда, жазирама мавсумда уй деразаларини тўсиб хоналарни қоронғулаштиришда парда ўрнида фойдаланилган. Дафн маросимида марҳумни қабрга кўмишда ҳам бўйрадан фойдаланилган. Чунончи, Фарғона водийсида бундан бир ярим минг йил аввал ҳам марҳумларни дафн этишда қамиш тобутлардан фойдаланилганлиги тўғрисидаги топилмалар, ушбу хунармандчилик тури минтақада қадимий тармоқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди [2:42-48].

Водийдаги яримўтроқ халқлар ҳам Марказий Осиёнинг бошқа этнослари каби кўчма уйларни деворларини тиклашда, уй полидаги кигиз ва палослар остига тўшама сифатида асосан қамиш тайёрланган тўқималардан кенг фойдаланиб келганлар.

Водийда Сирдарё бўйида жойлашган деярли барча қорақалпоқ қишлоқларида бўйра тўқилсада, моҳир хунармандлари билан машҳур бўлган *Қудуқ*, *Шопўлат*, *Фазноқ*, *Бешсари*, *Қозоқовул*, *Найман* каби бу хунармандчилик ривож топган қишлоқлар мавжуд эди [3:1].

Илмий адабиётларда бўйрадўзлик хунармандчилиги анъаналари кам ёритилган [4:133-137;453;211-212]. Фарғона водийси қорақалпоқларининг бўйрадўзлик хунармандчилиги анъаналари деярли ўрганилмаган.

Шу сабабли биз бу мақоламизда қандай омиллар таъсирида бу хунармандчилик вужудга келган, ривож топган, қандай буюм турлари ясалган, буюм тўқиш технологияси билан боғлиқ муаммолар хусусида фикр юритамиз.

Маълум турдаги хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор водийдаги кўплаб этник жамоалар хунармандчилигининг айрим соҳалар бўйича ихтисослашувиغا олиб келди. Бундай хусусиятни водийнинг кўплаб этник жамоаларда кузатиш мумкин [5:18-19]. Хусусан, қорақалпоқлар турли дарахт новдаларидан сават, қамишдан турли ўлчамдаги бўйра маҳсулотлари тайёрлашда машҳур эдилар. Бундай маҳсулотларни азалдан ўтроқ ўзбек, юз, қипчоқлар ҳам тайёрласаларда, барибир водий аҳолиси қорақалпоқлар томондан тайёрланган

пишиқ, қулай, арзон шундай махсулотларни жуда қадрлаганлар. Ахборотчиларнинг маълумотиға кўра сават учун дарё бўйидаги тўранғил, тол, юулғин ўсимлиги новдалари энг мос келувчи хом-ашё бўлиб ҳисобланган [6:1]. Саватлар шакли ва фойдаланиш хусусиятиға кўра турлича: таглиги ёйиқ – *нон сават*, таглиги чуқур – *қошиқ сават*, мевалар учун – *мева сават*, балиқ ови учун – *босма сават* ва бошқа турлари тўқилган. Уста хунармандлар куз мавсумида тўранғил новдаларни саралаб олиб, маҳорат билан тўқиган сават бемалол ўн йилдан кўп хизмат қилган.

Қорақалпоқлар Фарғона водийсида қамишдан турли буюмлар тайёрлаш бўйича мутахассис хунарманд сифатида донг таратган эдилар. Маълумки, улар яшаётган Сирдарё бўйлари қамиш хом-ашёсига бой макон ҳисобланган. Ахборотчиларнинг билдиришича, қорақалпоқлар қамишдан турли буюмлар: уй саҳниға тўшаш учун, уй томини ёпиш учун, майитни қабрга қўйиш учун бўйра, шунингдек, цилиндр шаклида дон солинадиган махсус идиш – бордон, ўчоқ ёнида тўшалладиган П шаклида ўчоқбордон, балиқ овлаш учун тўсиқ – ғазо каби буюмлар тўқишган [7:1]. Ўчоқбордонни ўлчами 170x200 см. қилиб тўқилган. Қамишдан балиқ овлаш учун ғазо яъни қамиш тўсма-тузоқ ҳам тўқилган. Қамишдан том тепасиға солиш учун чий ҳам тайёрланган.

Бўйра тўқиш технологияси анъаналари барча қорақалпоқлар учун умумий хусусиятға эга бўлган. Қамиш ўриб келинғач, аввал салқинда қуритилган. Сўнг 5-6 дона қамиш пояси бир қўлган олиниб 2 та “калтакчўп”ни айри қилиб олиб уларға уриб поялар барглардан тозаланган. Калтакчўп юлгун бутасидан 50-60 см узунликда кесиб олинган чўпдир. Тозаланган қамиш “ёрғу” (узунлиги 10-15 см узунликдаги ичи кавак ёғоч бўлган бўлиб, ўртасиға 3-4 смли металл тиг ўрнатилган) билан тозаланган [8:1]. Қамиш пояси сиртидан у юргизилганда у пояни бир томондан бир марта ёриб кетади. Ёрилган қамиш устидан эниға оғир тош бостирилиб энди поя бир неча янада кичик қисмларға ажратилиб эзилади. Эзилган қамишдан бўғим пардалари, барглари “кичик калтакчўп” (30 см) билан иккинчи марта юқоридаги усул каби тозаланган. Қамиш ораси очилиб оёқ билан ёзиб турилиб ёрилмай қолган бўғимлар бўйра тош билан уриб эзиб чиқилади. Бўлажак бўйра бичмини чиқариш учун тўқувчи дастлаб 11 дона қамиш поясини сиртини юқорига қилиб поялар ёйилган ҳолда ерга ёнма-ён жойлаштиради. Бунда 5 та қамиш пояси учи бир тарафға, 6 тасиники қарама-қарши тарафға йўналган бўлиши керак. Сўнг шу қамиш поялари ўртасидан арқов қамиш пояси ўтказиш бошланади. Арқов қамиш асос қамиш пояларини дастлаб 2 та поя тепасидан, сўнг 2 та поя қуйидан қилиб ўтказиб борилади.

Кейинги арқов қамиш биринчи арқов қамишға қарама-қарши тарзда ўтказиб бўйра тўқилади. Тўқимачиларни билдиришича арқов қамиш бир марта “4 босар” 4 та қамиш поядан ўтказиб, сўнг “2 босар”, яъни 2 та қамиш поядан кейин ўтказиш шаклида тўқиб борилади. 4 босар арқов қамиш ўтказишда поя учи билан ўтказилса, 2 босар арқов қамиш поя илдиз томон билан ўтказилади. Умуман 13 та арқов қамиш ўтказиб олинғач бўйра бичими чиққан ҳисобланган. Сўнг тўқилган бўйра устиға сув сепилади. Пичоқ учига қамишни тираб туриб қайириб, бўйратош билан урилиб бўйра чети чиқарилади. Бўйрани шу қисми бўйлаб тўқиш давом эттирилиб у 3 метрға етгач охири чети қайрилиб бўйра тўқиш якунланади.

Фарғона водийсининг Сирдарё ортида жойлашган қорақалпоқларнинг айрим қишлоқлари бўйрадўзлик хунари билан махсус шуғулланганлар. Хусусан, Фарғона вилояти Данғара туманидаги Қудуқ, Шопўлат, Наманган вилояти, Поп туманидаги Ғазноқ, Бешсари, Мингбулоқ туманидаги Қозоқовул, Найман қабиларни шундай қишлоқлар сирасиға киритиш мумкин.

Бу даврда айниқса сават ва қамиш буюмлар тўқиш билан қорақалпоқлар водийда ном қозонган эдилар. Уларни ушбу хунармандчилик махсулотларини тайёрлашға алоҳида эътибор қаратишлари натижасида, хунармандчиликнинг шу соҳасиға ихтисослашувига олиб келган [9:18-19].

Бўйрадўзлик хунармандчилиги оила-жамоачилик характеридаги ишлаб чиқариш усулига эга. Тўқиш оилада эркаклар ва аёллар томонидан бажарилади. Оиладаги болалар ҳам хунармандчиликка эрта ёшлигидан ота-оналари томонидан ўргатилади. Хунармандчилик оилаларда индивидуал характерда бўлсада, хом-ашёни келтириш жамоачилик характерида эга бўлган. Масалан хом-ашё қамиш учун маҳалладаги барча эркаклар биргаликда қамиш мўл ўсувчи кўллар бўйига бориб, у ерда бир неча кун давомида қамиш жамғарганлар ва ўз қишлоқларига келтирганлар.

Шундай қилиб, юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан аён бўладики, XIX аср охири - XX аср бошларида ҳам водий қорақалпоқлари ўзларининг анъанавий хўжалик соҳаси – чорвачилик билан шуғулланишни хўжалик шакли сифатида сақлаб қолган эдилар. Шунинг учун уларнинг турмушида яримўтроқ турмуш тарзи эҳтиёжларини турли буюмлар билан таъминлаб келган хунармандчилик соҳалари: тўқимачилик, бўйрадўзлик, ёғоч буюмлар яшаш анъаналари муҳим ўрнини сақлаб қолган. Хунармандчилик маҳсулотлари нафақат қорақалпоқлар балки водийнинг бошқа этнослари томонидан ҳам жуда қадрланган. Хунармандчилик қорақалпоқлар ҳаётидаги муҳим ўрнини кейинги даврларда ҳам сақлаб қолиб, бугунги кунда ҳам анъаналар давом эттирилмоқда. Эндиги долзарб масала қурилишда, озиқ-овқатларни сақлашда аждодларимизнинг кўп минг йиллик тажрибаларини оммалаштиришдан иборат. Зеро, бугунги замонавий турмуш тарзимизда ота-боболаримизнинг миллий анъаналаридан самарали фойдаланишимиз фаровон келажагимиз учун мустақкам пойдевор яратишимизни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шаниёзов К.Ш., Исмоилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков XIX – XX вв. – Т.:1981.
2. Қосимов Ё. Қадимги Фарғона сирлари. – Наманган: 1992.
3. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Данғара тумани, Қудуқ, Оқтепа қишлоғи. 2017 й.; Наманган вилояти, Поп тумани, Кенегас қишлоғи. 2016 й.; Наманган вилояти, Минг булоқ тумани, Момохон қишлоғи. 2010 й.
4. Сухарева О. А. Позднефеодальной город Бухара конце XIX – начало XX века. Ремесленная промышленность. –Т.:1962; Народы Средней Азии и Казахстана. Ч I. – М.:1962; Сухарева О.А. Бухара конце XIX – начало XX века. – М.:1966.
5. Губаева С.С. Население Ферганской долины. – Т.: Фан, 1991.
6. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Данғара тумани, Оқтепа қишлоғи, 2016.
7. Дала ёзувлари. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Момохон қишлоғи. 2018.
8. Фарғона водийсининг айрим жойларда, масалан Данғара тумани, Оқтепа қишлоғида у “ғаров” деб аталади.
9. Губаева С.С. Население Ферганский долины. – Т.: Фан, 1991.